

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ РУЗИМАТ ТЎХТАСИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМДАВЛАТ ВА ХУДУДИЙ  
МАНФААТЛАР МУТАНОСИБЛИГИГА ЭРИШИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2017**

**Сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) политических наук**

**Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) on political sciences**

Жўраев Рузимат Тўхтасинович

Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига

эришиш механизмларини такомиллаштириш..... 5

20

Жураев Рузимат Тухтасинович

Механизмы совершенствования достижения баланса между

общегосударственными и территориальными интересами в

Узбекистане.....

40

Juraev Ruzimat Tokhtasinovich

The processes of achieving a balance between national and territorial

interests in Uzbekistan.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications..... 41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖЎРАЕВ РУЗИМАТ ТЎХТАСИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМДАВЛАТ ВА ҲУДУДИЙ  
МАНФААТЛАР МУТАНОСИБЛИГИГА ЭРИШИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнларва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ  
Тошкент - 2017**

**Сиёсий фанлар бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Siyos6 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мунаваров Зоҳидилло Иномходжаевич**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ибодулла Эргашев**  
сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Қирғизбоев Абдуғаффор Каримжонович**  
тарих фанлар доктори, профессор  
**Равшанов Фазлиддин Равшанович**  
сиёсий фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871)246-02-24; E-mail: [info@nuu.uz](mailto:info@nuu.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий Университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100192, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: [info@nuu.uz](mailto:info@nuu.uz)

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Д.Ташанов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, фалсафа доктори (PhD)

**А.Г.Муминов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, с.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш маърифий дунёнинг асосий мақсади бўлиб, унга эришиш давлат ва жамият бошқаруви тизимини замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмуни ва моҳиятини инобатга олган ҳолда мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади. Айрим мамлакатларда кузатилаётган марказ-ҳудуд муносабатларидаги зиддиятларни келтириб чиқараётган омиллар ҳам ушбу фикрни тасдиқламоқда. Сиёсий тадқиқотлар марказларида амалга оширилаётган изланишлар мазкур зиддиятлар, кўп ҳолларда, сиёсий ҳамда иқтисодий секторларнинг бошқарув тизими бугунги талабларга жавоб бермаётгани туфайли содир бўлаётганини кўрсатмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг оптимал йўлларида бири сифатида умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш механизмлари ва технологияларини такомиллаштириш эътироф этилмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат тамойилларига кўра, марказ ва ҳудудлар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг институционаллашуви, фуқаролик институтлари ва ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатларнинг қонунларда белгиланган меъёрларга мувофиқ тартибга солиниши, ҳудудий сиёсий тизимларнинг шаклланиши, уларнинг умумдавлат сиёсий маконидаги ролининг ошиб боришини таъминлаш – марказ ва ҳудуд манфаатларини мувофиқлаштиришнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Сиёсий маконни ҳудудий таснифлаш, сиёсий воқеликни тизимли ўрганишда қўлланаётган янги услублар, хусусан, институционал ёндашув асосида сиёсий тизимни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ҳам сиёсий фанлар олдида турган долзарб вазифалардир.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминлаш серқирра ва мураккаб вазифа бўлиб, унинг илмий ечими йўллари бугунги кунга қадар тўлиқ асослаб берилмаган. Бу, ўз навбатида, марказ ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш мезонлари, мазкур мувозанатнинг барқарорлигига эришишда парламентнинг ролини кучайтириш, ҳудудлар билан боғлиқ сиёсий иштирок механизмини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг жамоатчилик назорати механизмлари сифатидаги ролини ошириш каби масалаларда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлигига бориб тақалади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида марказ-ҳудуд манфаатларини мутаносиблаштириш бўйича эътиборга молик тажриба тўпланди. Жумладан, давлат ҳокимияти тақсмоти амалга оширилди, маҳаллий ҳокимият, ҳокимлик институти ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари фаолияти йўлга қўйилди, ҳудудлар манфаатини ифода этувчи таъсирчан сиёсий институт – Сенат таъсис этилиб, икки палатали парламент тизимига ўтилди. Ҳуқумат тузилмалари ва давлат ҳокимияти турли органларининг

парламентдаги сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органларига ҳисобдорлигини таъминлашнинг самарали ҳуқуқий механизмлари яратилди.

Шу билан бир қаторда, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида “марказ-ҳудуд” муносабатларини замонавий талаблар асосида ташкиллаштириш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжудлиги ҳам аён бўлмоқда. Айтилган пайтда **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг** биринчи устувор йўналиши давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ролини янада кучайтиришни назарда тутди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ “ЁА2-ОТ-0-14679 – “Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Умумий ва ҳудудий манфаатлар, уларнинг мутаносиблигини таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Centre research of civil society of Johns Hopkins University (АҚШ), Social Welfare Development. The Government of the Hong Kong special, Administrative Region (Гонконг), Institute of Central Asia, European Union Institute for Security Studies (Франция), Institute of Contemporary Arts (Англия), Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.chapman.edu](http://www.chapman.edu); [www.unesco-icas.org](http://www.unesco-icas.org); [www.gallup.com](http://www.gallup.com); [www.iss.europa.eu](http://www.iss.europa.eu); <https://apply.jhu.edu>; [www.ica.org.uk](http://www.ica.org.uk); [www.asli.com.my](http://www.asli.com.my); [www.fes.de](http://www.fes.de); <https://icscentre.org>; [en.shisu.edu.cn](http://en.shisu.edu.cn); [www.osaka-u.ac.jp](http://www.osaka-u.ac.jp); [useoul.edu](http://useoul.edu); [www.isras.ru](http://www.isras.ru); [www.isprras.ru](http://www.isprras.ru); [nimfogo.uz](http://nimfogo.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Германия), Institute of Academy for study of the modern international relations Europe and Asia (Хитой), Osaka University (Япония), National University of Seoul (Корея Республикаси), Иқтисодий ва сиёсий фанлар бўйича Лондон мактаби (Буюк Британия); Россия Фанлар академиясининг Социология институти (Россия); Сиёсий тадқиқотлар институти (Россия), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Умуммиллий ва ҳудудлар манфаатлари мутаносиблигига эришишнинг сиёсий жиҳатларини шрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида, қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: давлат ва ҳудудлар мафаатларини таъминлашнинг давлат ва жамият барқарорлигига эришишнинг муҳим шарти экани; (Institute for the study of Religion Economies and Society (АҚШ), Institute of Academy for study of the modern international relations Europe and Asia (Хитой); умумдавлат ва штатлар манфаатларини таъминлаш ижтимоий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишнинг устувор йўналиши сифатида белгилангани (University of Chicago, АҚШ); марказ ва минтақалар ўртасидаги ҳокимият муносабатлари, ҳудудий бирлик мақоми, унинг манфаатларини ифода этиш ва умумдавлат манфаатларини мутаносиблаштириш заруратининг илмий асослари ўрганилган (European Union Institute for Security Studies (Франция), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center, (Германия); ҳудудий жамоаларнинг сиёсий иштироки давлат ва ҳудудлар мафаатларини таъминлашнинг устувор масалаларидан бири сифатида асослаб берилган (Сиёсий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш фонди, Россия халқаро тадқиқотлар ассоциацияси (Россия); Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (Ўзбекистон), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (Ўзбекистон).

Жаҳонда давлат ва ҳудудлар мафаатлари мутаносиблигига эришишнинг турли йўналишларига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг энг муҳимлари қаторига “марказ-ҳудудлар” ўртасидаги муносабатларнинг давлат ҳокимиятини вертикал бўлиниш асосида ташкил этишнинг устувор жиҳатлари; марказ ва минтақалар ўртасидаги ҳокимият муносабатларининг ҳудудий бирликлар ва умумдавлат манфаатлари билан ўзаро боғлиқлиги; давлат ҳудудларининг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароити умумий бўлган қисми билан алоқадор масалалар; ижтимоий манфатларнинг умумдавлат манфаатларида уйғунлашиши; давлат ҳокимияти ва муниципалитет манфаатларини таъминлашда миллий иқтисоднинг самарали ривожланиши билан боғлиқ муаммолар; ҳудудларнинг институтициаллашуви ҳудудлар манфаатларини таъминлашнинг муҳим шарти кабиларни киритиш мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблиги ижтимоий воқелик ва зарурат сифатида барча замонларда тадқиқотчилар ва сиёсатчиларнинг эътиборини ўзига тортиб

келган. Бу каби муаммоларни ўрганиш Ер юзида давлат тузилмалари шакллана бошлаган пайтлардан давом этиб келмоқда. Жумладан, Платон, Плутарх, Цицерон, Арасту, кейинчалик, Гоббс, Руссо, Бентам, Монтескье, Гегел, Гельвеций, Ранке, Риттер сингари Ғарб мутафаккирлари ва олимлари асарларида “марказ-минтақа-манфатлар” мажмуасидаги ўзаро ички таъсир, муаммоли жиҳатлар, уларнинг сиёсий ечимига оид кўплаб фикрлар келтирилган. Охириги пайтларда Ер юзининг муаяйн минтақаларида “демографик портлашлар” содир бўлгани, ҳудудий ресурсларга эгалик қилиш учун курашнинг шиддатли тус олаётгани, марказий маъмурият билан ҳудудлар ўртасида номутаносибликларнинг ортиб бориши ва бошқа омиллар, хусусан, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар тизими сиёсий, қолаверса, геосиёсий мақом касб этиб борётгани боис, эндиликда сиёсатшунос олимлар тадқиқотларида ушбу муаммога алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг айрим жиҳатлари хорижлик сиёсатшунос-мутахассислардан У.Изард, А.Мельвиль, А.Бляхер, О.Сергеев, Г.Платонов, Г.Мирский, А.Цыганков ва бошқаларнинг асарларида ёритилган бўлиб, улар мазкур муаммони янада чуқурроқ тадқиқ этиш имконини беради. Маҳаллий тадқиқотчилар Ш.Пахрутдинов, Т.Жўраев, А.Жалилов, Ф.Мусаев, А.Рахмонов, С.Саидолимов, С.Жўраев, Д.Муитов, Т.Алимардонов, И.Эргашев ва бошқаларнинг асарларида<sup>3</sup> баён этилган назарий хулосалар, уларнинг таҳлил йўллари айрим илмий умумлашмаларга келиш учун туртки вазифасини ўтайди. Бироқ юқорида зикр этилган олимларнинг ишларида диссертация мавзуси, тадқиқот предмети нуқтаи назаридан, ушбу муаммони атрофлича қамраб олишни мақсад қилиб қўймаган. Боз устига мазкур кўп қиррали муаммо дунёдаги сиёсий, ҳуқуқий-маъмурий жараёнлар, муносабатлар ва ёндашувлар ўзгариши натижасида бугунги кунга келиб бошқача маъно-мазмун ва йўналишда ўзини намоён этмоқдаки, бунинг натижасида уни илмий таҳлил қилишга қаратилган қизиқиш янада кучайди. Бу эса мазкур масаланинг мамлакатимиздаги реал ва эҳтимолий муаммоларни сиёсий фанлар ракурсидан яхлит тадқиқот сифатида ўрганишни тақозо қилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университетининг “Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг тарихий ва замонавий муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари кўзланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

---

<sup>3</sup>Асарлар номлари тадқиқотнинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.



ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда марказ ва ҳудудлар ёхуд умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини яхлит сиёсий реаллик ва жараён сифатида тадқиқ этиш;

умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш мақсадида марказ ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатларнинг мақбул моделларини излаш ва илмий асослаш;

Ўзбекистонда давлат ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатлар ҳолати ва сиёсий аспектларини тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш йўлларини илмий ёритиш;

ҳудудий сиёсий тузилманинг шаклланиши ҳамда барқарор фаолият кўрсатишида маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ўрни ва ролини очиқ бериш;

умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштириш мезонларини аниқлаш ва илмий асослаш;

умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишда давлат ҳокимияти аралашувини тартибга солиш, унинг маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятини кучайтириш билан ўзаро боғлиқлигини асослаш;

умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишда марказ ва ҳудудий ҳокимият органлари ваколатларини чегаралаш жараёнини таҳлил қилиш;

умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишда ҳудудий иштирок – ҳокимиятни амалга оширишда ҳудудлар иштирокини кенгайтириш истикболларини очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** марказ-ҳудуд муносабатлари, ўзаро манфаатли алоқалар тизими ва унда кечадиган сиёсий-ижтимоий жараёнлар.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини шакллантиришнинг мақбул йўллари ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги кўринишлари ва фаолият йўналишларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тарихийлик, қиёсий-ҳуқуқий, моделлаштириш, верификация, тузилмавий функционаллик ва сиёсий билишнинг бошқа методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда “марказ-ҳудуд” тарзидаги ҳокимият муносабатларини ривожлантириш, уларнинг ҳокимият бўғинлари ўртасидаги чегараларини белгилаш ва ҳудудларнинг ўз-ўзини бошқаришини кенгайтириш зарурати асослаб берилган;

номарказлашган, нисбатан номарказлашган, марказлашган унитар давлат турларига асосланган давлатнинг ҳудудий-сиёсий тузилиши таснифини барча маъмурий-ҳудудий бирликларга ўз-ўзини бошқариш мақомининг берилишини назарда тутадиган “ҳудудий давлат” тушунчаси билан тўлдириш таклиф этилган;

“ҳудуд” тушунчаси тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг уюшмаси, яъни ҳудудий жамоа сифатида Ўзбекистонда илмий муомалага киритилган;

мамлакатимизда ҳудудларнинг ўз-ўзини бошқаришини таъминлашга эришишда “давлат аралашуви”нинг кўринишлари, жумладан, ҳокимларнинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш давлат аралашувининг мажбурлаш чораси экани ҳамда турли бўғиндаги ҳокимликлар ваколатларини амалга ошириш регламентларининг ишлаб чиқилиши зарурати асослаб берилган;

ҳудудларнинг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини “ҳудудий иштирок” институти сифатида қабул қилиш ва унинг механизмларини такомиллаштиришга оид илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қонунчиликда марказ умумдавлат манфаатларини ифода этиши сабабли маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига аралашуш ваколатига эга. Аммо давлат аралашувини зўравонликка айланиб кетмаслиги, ҳудудлар ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллигини бўғиб қўймаслиги учун тадқиқотда давлат аралашуви чегаралари ва уларни қўллаш чора-тадбирлари асослаб берилган;

маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг чегараланганлиги уларнинг ихтисослашуви, оммавий бошқарувни оптималлаштиришнинг замонавий ютуқларидан фойдаланишни тақозо қилиб, тадқиқотда электрон бошқарувни жорий қилишнинг ҳудудлар манфаатларини таъминлашдаги имкониятлари ёритиб берилган;

ҳудудий иштирокни кенгайтириш давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнини янада такомиллаштириш заруратини кўрсатади. Бунда сиёсий қарорлар қабул қилишга техник жараён сифатида эмас, балки қарорлар қабул қилиш технологияларининг натижаси ва уларнинг оптималлигига эришишга қаратилган баҳолаш усуллари сифатида қараш тавсия этилган;

Ўзбекистонда қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳудудлар иштирокини белгилаш Ўзбекистон Республикаси “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида белгиланган Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар қаторига “Қонун лойиҳасининг ҳудудий манфаатларга мослиги тўғрисидаги хулосани” киритиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда қўлланилган услублар, назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, турли ташкилотлардан олинган маълумотлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган илмий-назарий ва эмпирик натижаларнинг ваколатли давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** чиқарилган хулосалар ҳамда тақдим этилган тавсияларнинг Ўзбекистонда “марказ-ҳудуд” муносабатларини такомиллаштиришда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш йўлларининг илмий асослаб

берилганлиги ҳамда улардан назарий-услубий кўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан боғлиқ.

Тадқиқот натижалари халқ билан мулоқотни мустаҳкамлаш, қонунчилик жараёнини умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни таъминлаш нуктаи назаридан узлуксиз такомиллаштириб бориш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, келгусида ҳокимларни сайлаш ва аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, умуман, демократик ислохотлар стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишнинг илмий базасини кучайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг натижалари сифатида ишлаб чиқилган умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг сиёсий жиҳатларига оид илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилаётгани бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг диссертациядаги “марказ-ҳудудлар” тарзидаги ҳокимият муносабатларини ривожлантириш, ҳокимият бўғинлари ўртасидаги муносабатлар чегарасини белгилаш ва ҳудудларнинг ўз-ўзини бошқаришни кенгайтириш ҳамда Сенатнинг ҳудудий дастурлари (Наманган вилояти мисолида) ижросини таъминлаш борасидаги амалий таклифлардан миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2012 йил 7 майдаги N 06-15/332-сонли маълумотномаси). Натижада “марказ-ҳудудлар” тарзидаги ҳокимият муносабатларида мутаносибликни таъминлаш, ҳудудий манфаатларга давлат эътиборининг қаратилиши ва Сенатнинг ҳудудий дастурлари самарадорлигининг оширилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси фаолиятида диссертация натижалари бўйича ишлаб чиқилган: “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларини намунали деб топиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан тузиладиган ишчи гуруҳ томонидан даставвал ўрганиб чиқилиши ҳамда Сенат ишчи гуруҳи таркибига ҳар бир ҳудуддан биттадан сенатор, республика миқёсидаги ташкилотлар мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ва олимлар киритилиши кераклиги” билан боғлиқ таклифлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2017 йил 27 октябрдаги ҚК-255-III-сонли қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашини “намунали” деб топишнинг мезонлари тўғрисидаги Низомда ўз аксини топган” (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи

комиссиясининг 2017 йил 5 декабрдаги 11-09/1359-сонли маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши, фаолиятини назорат қилиш механизмининг самарадорлигини оширишга эришилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси диссертациянинг Ўзбекистон Республикаси “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар қаторига ўзгартириш киритиш таклифини маъқуллаган. Мазкур ҳужжатлар қаторига “Қонун лойиҳасининг ҳудудий манфаатларга мослиги тўғрисидаги хулосани” қўшиш кўзланган мақсадларга эришиш имконини беради. Бундай қонуннинг ўрнатилиши депутат ёки бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашга ҳудудларни жалб қилиш мажбуриятини юклайди. Бу, ўз навбатида, қонунчилик жараёнинини оммавий сиёсат юритиш таомиллари асосида ташкил этишга ва қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг 2017 йил 1 декабрдаги N 4-12-сонли маълумотномаси). Натижада бу қонун лойиҳаларини тайёрлашга ҳудудларни жалб қилиш, қонунчилик жараёнини марказ-ҳудудлар манфаатлари асосида ташкил этишга ва қабул қилинаётган қарорларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг диссертациядаги Ўзбекистонда “марказ-ҳудудлар” тарзида ҳокимият муносабатларини ривожлантириш, ҳокимият бўғинлари ўртасидаги муносабатлар чегарасини белгилаш ва ҳудудларнинг ўз-ўзини бошқаришни кенгайтириш борасидаги амалий таклифлардан фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг 2017 йил 5 октябрдаги N 06-17/117-сонли маълумотномаси). Натижада умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигини таъминлашда Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларига аниқлик киритилган.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг диссертация материалларидан умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишда ёшларнинг иштирокини фаоллаштириш ва такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг 2017 йил 6 октябрдаги N 02-06/16-сонли маълумотномаси). Натижада Ёшлар форумлари, Ёшлар иттифоқи етакчиларининг сайловларини ўтказиш жараёнларини янада

такомиллаштириш, республика ва вилоятлар манфаатлари уйғунлигини таъминлашда ёшларнинг иштироки, манфаатлари доираси белгилаб берилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг диссертациядаги мамлакатимиз ҳудудларининг қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини “худудий иштирок” институтини тизимли равишда йўлга қўйиш, унинг механизмларини такомиллаштиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирокини таъмишлашга оид илмий асосланган тавсияларидан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини таъминлаш, маҳаллий ҳокимиятнинг маҳалла ишига аралашуви тартибини солиш, уларни амалиётда қўллашни тартибга солиш борасидаги тавсияларидан фойдаланилди (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2017 йил 30 ноябрдаги N02–03/8062–сонли маълумотномаси). Натижада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг асосиз аралашувига йўл қўймаслик, бундай аралашувни амалда қўллашни ҳуқуқий тартибга солиш лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 14 та мақола (улардан 3 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг асосий матни 224 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, ўрگانилганлик даражаси асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, назарий-услубий асослари таърифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилингани, унинг апробацияси, эришилган натижаларнинг эълон қилинганлиги, шунингдек, тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар келтирилган.



Диссертациянинг биринчи боби “**Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг тарихий ва назарий-методологик асослари**” деб номланган. У сиёсатда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш масаласининг вужудга келиши, давлатни ҳудудий-сиёсий ташкил этишда ҳудудларнинг институционаллашуви, Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигини таъминлаш жараёнларини очиб беришга бағишланган.

XXI асрга келиб инсон, жамият ва давлат муносабатларининг мураккаблашуви янги-янги институтларнинг шаклланишида намоён бўлмоқда. Демократия шароитида ўз-ўзини бошқаришнинг кенгайиши ҳудудий уюшмаларни сиёсатнинг фаол субъектларига айлантириши умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишга оид муаммони долзарблаштирамоқда. Лекин “ҳудудлар манфаати” ёки “ҳудудий манфаатлар” тушунчаси, унинг инсон, жамият ва давлат манфаатлари синтезини ўзида мужассамлаштирган мураккаб давлат тизимидаги ўрни, хусусан, сиёсий фанлар нуқтаи назаридан етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли у юксак амалий аҳамиятга молик илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

“Ҳудудий манфаатлар” деган тушунча амалиётда тез-тез қўлланаётган бўлса-да, унинг мазмуний юкламаси, сиёсий-амалий аҳамияти, ижтимоий таракқиётдаги ўрни билан боғлиқ тасаввурлар анчагина мўрт, айрим ҳолларда эса, мавҳум бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки жамиятни самарали бошқаришга ўтиш турли манфаатларни фарқлаш ва уларни ҳисобга олишни тақозо этади. Бу эса, “манфаат” тушунчасининг ижтимоий фикр тарихида тутган бениҳоя муҳим ўрни, унинг ижтимоий ва индивидуал ҳаракатларнинг реал сабаби сифатида намоён бўлишидан келиб чиқади<sup>4</sup>.

Давлат ва ҳудудлар манфаатлари узвийлигини таъминлашда “шахс ва ижтимоий манфаатларни мутаносиблаштириш” тушунчаси муҳим ўрин тутди. Бу тушунча демократиянинг мазмунини ташкил этиб, илк бор қадимги Юнон олимлари томонидан кўтарилган. Демокритнинг полис, яъни давлат “барчанинг умумий иши” деган фикри<sup>5</sup> давлатнинг ижтимоий манфаатларни ифодалаш, индивидуал манфаатларни уйғунлаштиришга хизмат қилишини назарда тутди. Бунда давлатга илк маротаба умумий, бугунги тил билан айтганда – умуммиллий, яъни жамият манфаатларининг ифодачиси сифатида қаралган эди. Ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари ғояси эса, инсон, жамият ва давлат манфаатларини ифодалаш ва уларнинг мутаносиблигига эришишнинг муҳим воситасига айланди. Натижада индивидуал ва умумий манфаатлар қандайдир мавҳум тушунчадан аниқ шакл ва чизгиларга эга воқеликка айлана бошлади.

Протагор томонидан “инсон – барча нарсанинг мезони” ғоясининг олға сурилиши мазкур йўналишдаги фаолият ва изланишлар асосига айланди. Юнон олимлари томонидан табиий ҳуқуқлар, табиатан барчанинг тенглиги

<sup>4</sup> Момджян К.Х. Введение в социальную философию. – М.: Высшая школа, 1997. – С. 93.

<sup>5</sup> Лурье С.Я. Демокрит. – Ленинград, 1970. – С. 187-382.

(Антифонт), адолатни таъминлаш йўллари ва идеал давлат мезонлари (Платон, Аристотель ва бошқалар) ишлаб чиқилди. Аристотель инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш ғояларини тадқиқ қилар экан, ҳуқуққа манфаатларни ифода этиш соҳаси сифатида қараб, уни табиий ва идрок асосида шакллантирилган соҳаларга ажратди.

Утопик социалистлар Т.Мор, Т.Компанелла, А.де Сен-Симон ва бошқалар илгари сурган ғоялар, яъни идеал жамият ғоясининг жамият ва инсон табиатиغا зидлиги, айниқса, уни куч билан жорий этишга интилиш миллионлаб инсонлар манфаатларининг топталишига, жамият тараққиётининг чуқур турғунликка тушиб қолишига сабаб бўлди. Шу туфайли, ҳар қандай таълимотга шахс ва жамият манфаатлари, уларнинг мутаносиблиги нуқтаи назаридан баҳо бериш ва ўрганиш тақозо этилади.

Либераллар томонидан айнан индивидуал ва умумий манфаатлар, уларни уйғунлаштириш масалалари атрофлича тадқиқ этилгани туфайли, утопик ва бошқа қарашларни инкор этувчи давлат ва жамият қурилишининг объектив концепцияси шаклланди. Г.Гроций, Б.Спиноза, Д.Локк, Т.Гоббс, Ш.Монтеск'е, Ж.Ж.Руссо, И.Кант, Ф.Гегел, Г.Еллинек ва бошқаларнинг тадқиқотларида ижтимоий тараққиётда инсон, жамият ва давлат манфаатлари тушунчаси, уларнинг мазмунини белгилаш ва мутаносиблигига эришиш йўллари ёритилди. Масалан, П.Голбах инсонни ҳаракат қилишга ундовчи куч, ҳар бир инсон ўз бахти тўғрисидаги тасаввурини боғлайдиган объект “манфаат” деб номланишини таъкидлаган.<sup>6</sup> Ўз навбатида, Д.Дидро “индивид, табақа, миллат манфаати тўғрисида гапирганда – “менинг манфаатим”, “давлат манфаати”, “унинг манфаати”, “уларнинг манфаати” – бу сўз орқали шахс, давлат, менга ва ҳ.к.ларга бир хилда фойдали ва керакли нарса тушунилади, – деган эди.<sup>7</sup>

К.Гелваций манфаатга оид қарашларни умумлаштириб, агар табиат ҳаракат қонунларига бўйсунса, маънавий дунё манфаат қонунига бўйсунди, деб ёзган эди. Унинг фикрича, “манфаат бизнинг барча фикр ва ҳаракатларимизнинг ибтидосидир”.<sup>8</sup> Демак, XVIII аср француз маърифатпарварлари манфаатга инсон хатти-ҳаракатини йўналтирувчи куч сифатида қарашган.

Г.Гегел ҳам ўз таълимотида манфаатга алоҳида эътибор бериб, инсонлар ҳаракати уларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатларидан келиб чиқилишини таъкидлайди. Унинг фикрича, манфаат мазмунини субъект фаолиятини қондиришга қаратилган ҳавас-интилишлар ташкил қилади. Шу туфайли, ҳеч нарса манфаатдан ташқарида амалга оширилмайди. У умумий ва шахсий манфаатлар мутаносиблигига эришишга жиддий аҳамият беради. Унинг фикрича, “агар фуқароларнинг хусусий манфаатлари давлатнинг умумий мақсадлари билан бирлашса, улар бир-биридан қониқиш ҳосил қилса, давлат обод ва ўз-ўзидан кучли бўлади – бу тамойил ўз-ўзидан олий

<sup>6</sup> Гольбах П. Избранные философские произведения. – М., 1963. Т. 1. – С. 311.

<sup>7</sup> Антология мировой философии. Часть 3. – М., 1981. – С.294

<sup>8</sup> Гелваций К. Избранные труды. – М., 1964. – С. 110

даражада муҳимдир”.<sup>9</sup> Давлат бошқарувида ушбу тамойилни амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат институтларининг шаклланишига олиб келди.

Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш давлатни ҳудудий-сиёсий ташкил этишда ҳудудларнинг институциаллашувига бевосита боғлиқдир. Бунинг натижасида ҳудудий уюшма-сегмент ҳамда маҳаллий ҳокимият институтининг шаклланиши давлатнинг ҳудудий-сиёсий ташкил этилиши ҳокимият ва бошқа, шундоқ ҳам баҳсли сиёсий категорияларни янада ойдинлаштириш масаласи қайтадан кўтарилмоқда. Хусусан, сиёсий фанлар тармоғи - кратологияда сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият институтининг умуман ўрганилмаганлиги халқ, оммавий давлат, хусусан, сиёсий ҳокимият категорияларини тадқиқ этиш эҳтиёжини намоён қилмоқда.

Айрим тадқиқотчилар давлатнинг ҳудудий-маъмурий ташкил этилишини белгилаш учун икки, яъни “ҳудудий-сиёсий уюшма” ва “сиёсий-ҳудудий бўлиниш” тушунчаларини ишлатадилар. Шунингдек, федерацияларга нисбатан, улар тарихан шаклланган миллий, маданий, диний ва бошқа хусусиятларга эга автоном субъектлардан ташкил топганлиги туфайли, миллий-давлат тузилиши, унитар давлатларга нисбатан эса – марказлашган давлат сифатида маъмурий-ҳудудий тузилиш тушунчалари қўлланилади. Булардан ташқари, хорижий давлатлар қонунчилиги ва илмий мулоқотида “давлатнинг ташкил этилиши”, “давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши”, “давлат тузилиши” ёки “оммавий ҳокимиятнинг ҳудудий ташкил этилиши” ва бошқа тушунчаларнинг ҳам қўлланиши мазкур институтни ўрганишни мураккаблаштиради.

Ҳудудларнинг сиёсат субъектига айланиши уларга ўз-ўзини бошқариш ваколатлари, яъни мухторият берилишини тақозо қилишига қарамай, давлатлар юқори ҳудудий бирликлари кенг мухториятга эга федератив ҳамда марказлашган бошқарувга асосланган унитар давлатларга ажратилади. Ваҳоланки, унитар давлатлардаги (Ўзбекистон, Қирғизистон, Франция ва бошқ.) номарказлаштириш ҳаракатлари, уларнинг таркибида мухториятларнинг борлиги (Англияда миллий асосда шаклланган Шотландия ва Уэльс, Испания ва бошқ.) ёки, аксинча, марказлашган федерацияларнинг (Ҳиндистон, Покистон) мавжудлиги давлатнинг ҳудудий-сиёсий ташкил этилиши шакллари қайта кўриб чиқиш заруратини намоён этмоқда.

Айрим унитар давлатларда нафақат минтақалар, балки қуйи ҳудудларга ҳам мухторият берилган. Масалан, Япония Конституциясининг 92-моддасига кўра, маҳаллий оммавий ҳокимият органлари ва уларнинг иши қонун билан маҳаллий мухторият тамойилига мувофиқ ташкил этилади.<sup>10</sup> Италия унитар Республикасининг маҳаллий мухториятни тан олиши ва унинг ривожланишига кўмаклашиши конституциявий тузум тамойили бўлиб (Конституциянинг

<sup>9</sup> Гегель Г.В. Работы разных лет. –М., 1972. Т. 2. – Б. 24.

<sup>10</sup> Конституция Японии // <http://clin.iatp.by/constitution/drugi/japan--r.htm>



5-моддаси), Конституциянинг 115-моддасида вилоят, 128-моддасида эса, қуйи ҳудудий бирликларнинг мухторияти алоҳида белгилаб қўйилган.<sup>11</sup>

Юқоридагилардан маълум бўладики, давлатнинг унитар, минтақавий ва федератив шакллари унинг ҳудудий-сиёсий ташкил этилишини тўлиқ очиб беролмайди. Ҳудудларнинг ўз-ўзини бошқариши демократик тамойилидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг ҳудудий-сиёсий ташкил этилишини марказлашган, нисбатан номарказлашган, номарказлашган ва ҳудудий давлатларга ҳамда бошқарув моделларига ажратиш мантиқийдир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ҳуқуқий демократик давлат куришни ўзининг стратегик мақсади сифатида белгилади. Босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўтиш даври қийинчиликларини ижтимоий ларзаларсиз бартараф қилиб, барқарор ривожланишга хизмат қилмоқда. Ватанимиз тараққиётини янада юксалтиришга қаратилган энг муҳим ва долзарб мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталиб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “миллий давлатчиликни барпо этиш ва мустақамлаш жараёнида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришиш давлат ва жамият курилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолиши муқаррар”<sup>12</sup>, дея таъкидлаган эди. Номарказлаштириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни сиёсий жараённинг фаол субъектига айлантириш, яъни уларнинг институциаллашуви – кўзланган мақсадга эришишда долзарблик касб этмоқда.

Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш инсон, жамият ва давлат муносабатларини тартибга солишни англатади. Ҳозирги замонда демократик ривожланиш натижасида ҳудудий уюшмалар ўз-ўзини бошқаришининг кенгайиши, улар сиёсатнинг фаол субъектларига айланиши умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш масалаларини долзарб қилиб қўймоқда. Шу билан бирга, “ҳудудий манфаатлар” тушунчасининг ҳозиргача тартибга тушмаганлиги умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш масалаларини атрофлича ўрганиш ва самарали ҳал қилишдаги асосий муаммога айланмоқда.

Тадқиқотнинг **“Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштиришда ҳудудий сиёсий тизимларнинг роли”** деб номланган иккинчи боби Ўзбекистон сиёсий маконининг ҳудудий таснифланиши, ҳудудий тузилмаларнинг субъектлари, ҳудудий манфаатларни шакллантиришда сиёсий ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон жаҳон сиёсий харитасидаги янги сиёсий субъектга айланди. Ушбу тизимнинг самарали фаолияти унинг

<sup>11</sup> Конституция Итальянской Республики // <http://www.italia-ru.it/node/4657>

<sup>12</sup> Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир / Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси IV курултойидаги маъруза. 2007 йил 6 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 32.

элементлари ва даражалари ўртасидаги муносабатларнинг тўғри ташкил этилишига бевосита боғлиқлиги тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда. Марказ ва ҳудудлар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг институционаллашуви, яъни ҳудудий сиёсий тизимларнинг шаклланиши, уларнинг умумдавлат сиёсий маконидаги ролининг ошиб бориши сиёсий таракқиётнинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Сиёсий маконни ҳудудий таснифлаш, сиёсий воқеликни тизимли ўрганиш баробарида, янги услублар, хусусан институционал ёндашиш, сиёсий тизимни янада чуқурроқ таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш имконини беради.

Бугунги кунда марказ ва ҳудудлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар ҳокимият муносабатлари деб талқин этилаётган бўлса-да, бироқ ундаги ноаниқлик давлатнинг ўз сиёсий маконини ҳудудий таснифлашга нисбатан салбий муносабатларни шакллантирмоқда. Ушбу ҳолат тадқиқотчи Ш.Пахрутдиновнинг “сиёсий ҳокимият билан жамият ўртасида яқдилликни таъмин этиш жамиятнинг таҳдидбардош бўлиши параметрларидан бири” дир<sup>13</sup>, деган хулосасини янада долзарблаштиради. Айнан ҳудудий ҳамжамиятлар бундай яқдиллик воситаси бўлишига қарамай, уларнинг сиёсий институт сифатида шаклланишига нисбатан қатъий муносабат қарор топганича йўқ.

У.Изарднинг “Минтақавий таҳлил услублари: минтақалар ҳақидаги фанга кириш” номли китобида минтақавий аҳамиятга молик ижтимоий-иқтисодий ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишнинг услублари ёритилган. Лекин муаллиф ушбу фан соҳасининг кенглигини айтиб, таҳлил услубларини ишлаб чиқиш билан чекланмаслик лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича, минтақалар тўғрисидаги фан туманлар ва улар ўртасидаги функциялар марказий ўринни эгаллаган назария соҳасига кириб бориши ва ижтимоий фанларнинг ортодоксал назариялари чегараларидан чиқиб, шу вақтгача етарли эътибор берилмаган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро алоқаларига урғу бериши лозим.<sup>14</sup>

В.Гельман ва С.Рыженковлар сиёсий минтақашуносликни “минтақавий ва маҳаллий даражадаги (элиталар, сайловлар ва ҳ.к.лар) макросиёсий институтлар ва жараёнлар баробарида, умуммиллий миқёсдаги жараёнлар билан боғлиқ минтақавий ва маҳаллий бошқарувнинг ўзига хос жиҳатларига оид тадқиқотлар тизими” сифатида таърифлашади.<sup>15</sup> Н.Медведев эса, “сиёсий минтақашунослик – давлат ва жамиятнинг минтақавий тузилиши, минтақавий ривожланиш ва минтақалараро ҳамкорликдан иборатлигини қайд этиб, бунда сиёсий ҳодисаларнинг макондаги шакллари, минтақаларда сиёсий институтлар ва жараёнлар динамикаси, сиёсий кучлар характери ва жойлашиши, минтақавий элиталарнинг шаклланиш жараёни хусусиятлари, марказ ва перифериянинг ўзаро алоқалари, шунингдек, минтақавий сиёсий муҳит-

<sup>13</sup> Пахрутдинов Ш. Таҳдидбардошлик – барқарорлик жамият асоси // Жамият ва бошқарув. – 2007. – № 2. – Б. 30.

<sup>14</sup> Изард У. Методы регионального анализа: введение в науку о регионах. – М., 1966. – С. 656.

<sup>15</sup> Гельман В., Рыженков С. Политическая регионалистика: от общественного интереса к отрасли знания. – М., 1998. – С. 138.

нинг давлат ва жамиятга таъсирига аҳамият берган ҳолда, давлат ва жамиятнинг минтақавий тузилиши, минтақавий ривожланиш ва минтақалараро ҳамкорлик муаммоларини ўрганувчи сиёсатшунослик баробарида, уни минтақашуносликнинг бир йўналиши<sup>16</sup> сифатида таърифлайди.

Ҳудудий жамоаларнинг сиёсат субъекти сифатида фаоллашаётгани, ўз манфаатларини амалга оширадиган маҳаллий ҳокимиятнинг мавжудлиги, ҳудудларнинг сиёсий тизимга айланаётганлиги сиёсий минтақашунослик чегараларидан чиқиб кетмоқда. П.Шаран таъкидлаганидек, нафақат давлат, балки шаҳар ҳам ўзининг сиёсий жамоаси (аҳолиси), сиёсий ҳокимияти, режими ва ҳудуди билан сиёсий тизим сифатини касб этиши мумкин.<sup>17</sup> М.Нишанов ва К.Джаваковалар сиёсий тизимни таснифлашнинг ташкилий-сиёсий (сиёсий ҳаётда централизм, плюрализм, демократизмнинг даражаси – Ж.Р.) асосларини алоҳида кўрсатишган.<sup>18</sup> Уларнинг таснифи муфассал бўлмасада, юқоридаги таҳлиллар асосида ундан давлатнинг ҳудудий-сиёсий ташкил этилишига қараб миллий ва маҳаллий сиёсий тизимларни белгилаш мумкин, деган хулоса чиқади.

Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши сиёсий ҳудудий тизимларни шакллантириш учун расмий асос бўлишини эътироф этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман, шаҳар, қишлоқ ва шаҳарчалар сиёсий тизимларидан иборатлигини кўриш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри минтақавий, уларнинг таркибидаги туманлар, шаҳарлар, қишлоқ ва шаҳарчалар маҳаллий сиёсий тизимларни ташкил этади. Шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг нодавлат ташкилотлари сифатида белгилангани<sup>19</sup> туфайли, уларни ҳудудий сиёсий тизим сифатида эътироф этиш баҳсли кўриниши мумкин. Бироқ амалда фуқаролар йиғинлари тегишли ҳудудда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни, асосан, сайланадиган институтлар орқали ҳал қилаётгани учун ҳудудий уюшма, муассаса ҳисобланади.

Ҳудудий сиёсий тузилиш субъектлари бўлган ҳудудий жамоа хусусиятларини ўрганиш, унинг ҳудудий тегишлилик асосида аҳоли ва ҳудудни ташкил этувчи корхоналар, идоралар, муассасалар, ҳудудий ҳамжамиятлар, уларнинг аъзолари бўлган инсонларнинг фуқаролиги ва ёшидан қатъи назар, махсус уюшма деб номланиши мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳудудий сиёсий тизимларнинг ривожланиши ҳудудий манфаатларни сарҳисоб қилиш, уларни ифода этиш ва умумдавлат манфаатлари билан мутаносиблаштириш имконини беради. Мазкур жараённинг самарали кечиши миллий ва ҳудудий сиёсий институтлар фаолияти билан боғлиқдир. Маҳаллий ҳокимият органлари муҳим ҳудудий сиёсий институт бўлиб, улар ҳудудий жамоалар томонидан шакллантирилади. Мазкур институтнинг ҳудудий жамоа, унинг бошқа

<sup>16</sup> Медведев Н.П. Политическая регионалистика. – М., 2002. – С. 7.

<sup>17</sup> Шаран П. Сравнительная политология. – М., 1992. – С. 53.

<sup>18</sup> Нишанов Н.М., Джавакова К.В. Политология. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2005. – С. 86.

<sup>19</sup> Умарова Г. Маҳалла – ижтимоий бошқарув органи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2007. – № 2-3. – Б. 78.

институтлари билан яқин алоқалар ўрнатиши ҳудудий манфаатларни жамлаб, уларни амалга оширишга хизмат қилади. Маҳаллий ҳокимият манбаи бўлган ҳудудий жамоаларнинг индивидлар ва ҳудудий ҳамжамиятлардан иборатлиги сиёсий ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги алоқаларни атрофлича ўрганиш эҳтиёжини кўрсатади. Ушбу алоқаларни ҳамкорлик даражасига чиқармай туриб, ҳудудий сиёсий тизимлар мавжудлигига, давлатнинг барқарор ривожланишига, жамиятдаги хилма-хил манфаатлар мутаносиблигига эришиб бўлмайди.

Мутахассислар фикрига кўра, фуқаролик институтлари ва ҳокимият органлари ўртасидаги муносабатлар кўйидаги беш тамойилга асосланади: 1) амалдаги қонунчилик нормаларига риоя қилиш; 2) томонларнинг ваколатли органлари функцияларига аралашмаслик; 3) масалаларни музокаралар, мунозаралар, давра суҳбатлари ҳамда тенглик асосидаги бошқа ўзаро алоқа шакллари орқали ҳал қилиш; 4) секторлараро (давлат, бизнес ва ННТ) оммавий қарама-қаршиликдан воз кечиш; 5) келишилган қарорларни қабул қилиш.<sup>20</sup> Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ҳам фуқаролик жамияти истиқболларини жамоат ташкилотларини ривожлантириш, фуқаролар ташаббусларини кенгайтириш, одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш билан боғлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, қарорлар қабул қилиш ва уларни ижро этишда аҳоли иштирокини таъминлаш сиёсий ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг мазмунини ташкил этади. Бундай иштирок аҳолининг ягона ҳудудий жамоага айланиши, ҳудудий манфаатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Шу туфайли, Ўзбекистон сиёсий ҳаётида фуқаролар иштироки шакллари янада кенгайтиришнинг илмий асосларини мустаҳкамлаш долзарб масалага айланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштиришнинг сиёсий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган. Унда марказ ва ҳудудлар манфаатларини мутаносиблаштириш мезонлари, давлатнинг аралашуви ва маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятини кучайтиришнинг конституциявий-сиёсий механизмлари, марказ ва ҳудудий оммавий ҳокимият органлари ваколатларини чегаралаш каби масалалар ёритилган.

Умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштириш мураккаб жараён дир. У етарлича ўрганилган бўлмаса-да, олимлар томонидан марказ ва ҳудудлар муносабатларини мутаносиблаштиришнинг адолат, тенглик, қонунийлик, мувозанатлилик ва бошқа талаблари, тамойиллари ҳамда мезонлари тавсия қилинган. Ушбу талабларнинг тизимлаштирилмагани, мазкур жараённинг барча жиҳатларини қамраб олмаслиги уларни умумлаштириш ва атрофлича ёритишни муҳим илмий вазифага айлантиради.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёси-

<sup>20</sup> Кин Д. Демократия и гражданское общество. – М., 2001. – С. 56-57.

га хос энг муҳим хусусият. Умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишда адолат асосий мезон сифатида намоён бўлади. Лекин “адолат” тушунчасига оид мавжуд ёндашувлар унинг мазмунини аниқлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Рус социологи А.Гореловнинг фикрича, “адолат тенглаштирувчи, нисбий ва максимал бўлиши мумкин. Тегишли тарзда тенглик: барчага – максимум, барчага – минимум, барчага – тенг шаклларда намоён бўлади. Биринчиси, ахборот ва экология соҳаларида, иккинчиси – иқтисодий ва сиёсий соҳаларда, учинчиси – ҳуқуқий соҳада бўлиши мумкин”.<sup>21</sup> Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар иккинчисига тегишли бўлгани учун давлат ва ҳудудларга ўз вазифаларини самарали амалга оширишнинг минимум талабларини тенг белгилашни тақозо қилади. Демак, бундай минимумни тенг белгилаш долзарб масалага айланади.

А.Холбеков ва Т.Матибоевлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида ижтимоий адолат ғояларининг ривожини атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг демократия билан уйғунлиги асослаб берилган. Уларнинг фикрига кўшилиб айтиш мумкинки, демократияда у ёки бу жиҳатга мойиллик устувор бўлиб қолиши мумкин. Масалан, эркинлик ва тенглик, барчанинг сиёсий жараёнлардаги биргалликдаги иштироки ва самарадорлик, кўпчилиكنинг ҳокимияти ва озчиликини муҳофаза қилиш, давлатнинг ҳуқуқий асослари ва давлатнинг ижтимоий йўналтирилганлиги ўртасида фарқ, тафовут, баъзан ҳатто, низо пайдо бўлиши мумкин. Сиёсий адолат қоидаларигина бу вазиятда тўғри ва оқилона ечимни, яъни мувозанатни таъминлайди.<sup>22</sup> Сиёсий адолат қоидалари, асосан, ҳуқуқий меъёрларда ифодаланиши туфайли, уларда умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мутаносиблаштириш жараёнини объектив акс эттириш долзарб бўлади.

Россиялик ҳуқуқшунос В.С.Нерсисянц ҳам сиёсий ва ҳуқуқий меъёрларнинг бир-бирига боғлиқлиги, хусусан, биринчисининг иккинчисига таяниши замонавий цивилизациянинг ютуғи эканлигини таъкидлайди.<sup>23</sup> Умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, марказнинг умумдавлат вазифалари нуқтаи назаридан маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига аралаштириш ҳуқуқини атрофлича белгилаш, зиддиятларни конструктив ҳал қилиш давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Тараққий этган давлатлар тажрибасидан маҳаллий ҳокимиятни амалга оширишга давлат аралашувининг чоралари, уларни қўллаш таомилларини белгиламай туриб, самарали оммавий бошқарув тизимини шакллантириб бўлмаслигини кўриш мумкин.

Сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётларнинг таҳлили ушбу фанларда “давлат аралашуви” деган ягона тушунча қўлланилмаслигини кўрсатади. Брокгауз ва Ефрон қомусий луғатидаги “давлат аралашуви” деганда, ҳозирги вақтда тор маънода давлатнинг халқ хўжалиги соҳасига бевосита ёки билво-

<sup>21</sup> Горелов А.А. Социология: – М.: Изд-во Эксмо, 2006. – С. 431.

<sup>22</sup> Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 43.

<sup>23</sup> Проблемы общей теории права и государства / Под ред. В.С.Нерсисянца. – М.: НОРМА, 1999. – С. 208.



сита таъсири, кенг маънода эса, ўзини ўзи бошқаришни чеклаш, ё бўлмаса, умуман давлат ёки маъмурий ҳокимиятни фуқаролар эркинлигини чеклаш ҳисобига кенгайтириш тушунилади”, деган таъриф ҳам мунозаралидир. Унда давлат аралашуви объекти ҳаддан зиёд кенгайтирилиб, унинг фақат бир қирраси акс эттирилган, холос. “Чекламоқ” сўзининг маъноси, яъни талаб, норма, меъёр ва шу кабилар билан чегараламоқ эканлигидан келиб чиқилса, ҳар бир ижтимоий институтнинг фаолияти муайян нормалар билан чегараланади. Давлат аралашуви эса, мавжуд чегаралардан чиқмасликни таъминлаш, айниқса, улар бузилганда, тиклаш чораларини назарда тутади.

Давлат аралашувини федерал аралашувга қиёслаган ҳолда, унга фақат мавжуд нормалар бузилганда конституциявий жавобгарлик чоралари сифатида қараш ҳам баҳслидир. Я.Смирнов “федерал аралашув “кенг маънода” мамлакатнинг ягона ҳуқуқий макон, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мақсадида федерациянинг ўз субъектларига нисбатан ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган барча чоралар, тор маънода эса, махсус конституциявий нормалар билан белгиланган аниқ асослар ва мақсадга эга, хусусан, федерация субъектларининг ҳокимият органлари ёки мансабдор шахсларини уларнинг зиммасига юкланган конституциявий мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш орқали конституциявий тузумни ҳимоя қилишни назарда тутади”, деган фикрни илгари сурган.<sup>24</sup> Унинг федерал аралашувга берган тор маънодаги таърифига конституциявий-ҳуқуқий механизм сифатида қаралмоқда. Шу туфайли, амалда давлат аралашуви фақат сиёсий беқарор давлатларда қўлланади, деган баҳсли фикр ўрнашиб қолиб, унинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Федератив давлатларда субъектлар ишига федерал аралашув институтига алоҳида аҳамият берилади. Лотин Америкаси давлатлари кўпчилигининг конституциявий ҳуқуқида мазкур институт “федерал тизим фаолиятининг энг муҳим унсури” ва “штатларни назорат қилишнинг марказий ҳукумат қўлидаги энг самарали воситаси”<sup>25</sup> эканлиги таъкидланади.

Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш сиёсий-ҳуқуқий механизмнинг таҳлили ҳудудий жамоалар институтлари, яъни маҳаллий ҳокимият ва давлат органлари ўртасидаги ваколатларни чегаралашни алоҳида институт сифатида ажратиш заруратини кўрсатади. Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини чегаралаш оммавий бошқарувни мақбуллаштириш, демократик ислохотларнинг узлуксизлигини таъминлаш, яъни номарказлаштириш мақсадларига эришиш омилларидан бири бўлишига қарамай, бугунги кунда бу масала Ўзбекистонда етарли даражада ўрганилмаган.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари “ваколатларини “аниқ белгилаш”, “ажратиш” ёки “чегаралаш” деб номлашнинг фарқи йўқдек кўринади.

---

<sup>24</sup> Смирнов Я.Ю. Федеральное вмешательство как механизм конституционно-правовой ответственности в системе вертикального разделения властей // Вестник СамГУ. – 2006. – №5. – С.139.

<sup>25</sup> Орлов А.Г. Политические системы стран Латинской Америки. –М., 1982. – С. 118-120.

Бироқ сиёсий-ҳуқуқий институтни шакллантириш зарурати, илмий мулоқотда умумийликни таъминлаш учун мазкур институтни номлашда ягона тушунчани қўлаш талаб қилинади. “Ваколатларни аниқ белгилаш” – “ваколатларни “ажратиш” ва “чегаралаш”дан кутилган натижадир. Бугунги кунда оммавий ҳокимият органлари ваколатларидаги паралеллик, қайтарилиш, уларни “чегаралаш” ёки “ажратишни” тақозо этади. Ваколатларни мутлақ “ажратиш” мумкин эмаслиги эса, уларни “чегаралаш” лозимлигини кўрсатади. Аммо “ваколатларни чегаралаш” билан бирга, функциялар, вазифалар, ихтиёридаги масалалар, компетенцияни чегаралаш тушунчаларининг ишлатилиши уларни аниқлаштириш эҳтиёжини намоён қилади. Айниқса, мазкур тушунчаларга турли тавсифлар берилиши бу соҳадаги аҳволни мураккаблаштиради.

Ваколатларни чегаралаш тамойиллари: 1) давлат ваколатларига доир масалалар юзасидан қабул қилинган қонунларнинг барча учун мажбурийлиги; 2) давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ихтиёридаги масалалар юзасидан, агар давлат томонидан қонун қабул қилинмаган бўлса, бундай қонун қабул қилингунга қадар маҳаллий ҳокимият органи томонидан нормативҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши; 3) маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёридаги масалалар юзасидан фақат уларнинг ўзлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишини назарда тутати.

Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини чегаралаш масалаларининг таҳлили мазкур институтнинг умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш, ҳудудларнинг мухториятини таъминлаш воситаси эканлигини, уларнинг сиёсий тизимга, фуқаролар ва бошқа акторларнинг фаол ҳудудий жамоага айланишига бевосита таъсир қилишини кўрсатади. Шу туфайли, мазкур жараён билан боғлиқ сиёсий категорияларга илмий баҳо бериш, уларни Ўзбекистон қонунчилигида мустаҳкамлаш долзарб масалага айланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳудудий иштирокни кенгайтириш истиқболлари**” деб номланади ва унда давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳудудий иштирокни ташкил этиш, оммавий қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳудудий иштирокнинг сиёсий институционаллашуви, қонунларни амалга ошириш ва улар ижросини назорат қилишда ҳудудий иштирокни кенгайтириш масалалари тадқиқ этилган.

Умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш оммавий ҳокимият органлари ваколатларини чегаралаш, маҳаллий ҳокимият органлари масъулиятини кучайтириш ва улар фаолиятига давлат аралашуви баробарида, ҳудудларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини тартибга солишни тақозо қилади. Лекин хорижий давлатлар амалиётида давлат ҳокимиятини амалга оширишда барча ҳудудлар расман иштирок этишига қарамай, бошқарув назарияси, сиёсий фанларда фақат минтақавий иштирок атрофлича ўрганилган. Ваҳоланки, давлат ҳокимиятининг оммавийлиги, яъни халқ ҳокимиятчилигидан келиб чиқиши уни амалга оширишда қуйи даражадаги ҳудудий жамоаларнинг иштирокини ҳам назарда тутати. Шу ту-

файли давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳудудлар иштирокини ўрганиш оммавий сиёсат юритишнинг илмий базасини мустаҳкамлаш, яъни халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш, давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизациялаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга хизмат қилади.

Аввало, ҳудудий иштирок субъектлари сифатида фақат минтақаларнинг эътироф этилиши эътирозлидир. Зеро, маҳаллий ҳокимият органларининг аҳоли манфаатларини ифода этиш вазифасини бажариши умумдавлат қарорларини қабул қилишда тегишли даражадаги маҳаллий ҳокимият органи иштирокини тақозо этади. Минтақалар қуйи ҳудудий бирликлар ҳокимият органларини мувофиқлаштириш, улар билан юқори турувчи органлар ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш функциясини бажариши туфайли ҳар бир оммавий бошқарув бўғинининг ўз ваколатлари доирасидаги масалаларга оид давлат қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши оммавий бошқарувни мақбуллаштириш талабидир.

Ҳудудий иштирокнинг таҳлили унинг фуқаролар, ҳудудий жамоаларнинг бевосита ёки ўз сиёсий-ижтимоий институтлари – маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари орқали давлат ва маҳаллий ҳокимиятни амалга оширишдаги иштироки, яъни сиёсий иштирокнинг бир тури эканлигини кўрсатади. Шундай экан, хорижий, хусусан, федерал ва номарказлашган давлатларда мазкур иштирокнинг давлат ҳокимиятига ҳудудий таъсир<sup>26</sup> сифатида қаралиши эътирозлидир. Маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий институтлари бўлганлиги туфайли юқори турувчи оммавий ҳокимият органлари фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши мантиқийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш лозимлигини таъкидлар экан, уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характерига, яъни муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмаслигини ўринли танқид қилган эди. Қонун ижодкорлигидаги ушбу ва бошқа камчиликлар билан боғлиқ масалаларини ижтимоий-сиёсий фанлар доирасида кўриб чиқиш ва бартараф қилиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки қонунлар, умуман, ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим сиёсий қарорлар бўлишига қарамай, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш масалалари сиёсий фанлар доирасида махсус ўрганилмайди. Ҳолбуки ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида сиёсий қарорлар қабул қилиш, яъни оммавий сиёсат юритиш моделларини қўллаш самарали қонунлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши биланок ҳуқуқий актларни тайёрлаш ва нашр этишга қаратилган ҳуқуқий сиёсатни акс эттирувчи қонунчилик органи ишининг ташкилий техник қоидалари, усули, воситаси, мажмуи, яъни қонунчилик техникаси таклиф этилган эди. Профессор Ҳ.Т.Одилқориев таъбири билан айтганда, “қонунчилик техникаси норматив-ҳуқуқий актлар ло-

<sup>26</sup> Туровский Р.Ф. Политическая регионалистика. – М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2006. – С. 512.



йиҳаларини тайёрлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига таянувчи ва назарий жиҳатдан чуқур мулоҳаза этилган қоидалари ва усуллари тизими бўлиб, у норматив-ҳуқуқий қоидалар шакли мазмунига тўла ва айнан мувофиқ бўлишини, норматив материалларни тушунарли, оддий ва осон илғаш, кузатиб боришга имкон беришини, тартибга солинадиган масалаларни бекаму кўст қамраб олишини таъминлайди”.<sup>27</sup> Тадқиқотчи Ш.Бердияров ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, қонунчилик техникаси қонунларни ишлаб чиқишдаги давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, қонунларнинг бекаму кўстлиги ва амалда жорий қилиш самарасини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини тузиш, муҳокама қилиш ва амалга оширишга қўйиладиган талаблар, принциплар ва бошқа бир қатор техникавий қоидалар мажмуидан иборатлигини таъкидлайди.<sup>28</sup>

Бугунги кунда МДХнинг деярли барча аъзо-мамлакатларида қонунчилик, умуман, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни қонунларни амалга ошириш, улар ижроси устидан назоратни қамраб олмайди. Ваҳоланки, мавжуд юридик ва қонунчилик техникаси тушунчаларини ўрганиш, уларнинг тўлиқ мазмуни қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатади: 1) қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги техникаси); 2) ҳуқуқни қўллаш (ҳуқуқни амалга ошириш ёки индивидуал ҳуқуқий актлар техникаси); 3) талқин қилиш ёки актларни расмий шарҳлаш техникаси; 4) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва ҳисобга олиш техникаси; 5) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш (нашр қилиш) техникаси.<sup>29</sup> Ушбу институтларни қўллаш таҳлили қонунчилик жараёнини нафақат қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан уни қабул қилишгача, балки уни амалга ошириш ва ижросини назорат қилишни ҳам қамраб олишини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қонунчилик техникасини 1) қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги техникаси); 2) ҳуқуқни қўллаш (ҳуқуқни амалга ошириш ёки индивидуал ҳуқуқий актлар техникаси); 3) талқиний ёки актларни расмий шарҳлаш техникаси; 4) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва ҳисобга олиш техникаси; 5) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш (нашр қилиш) техникаларига, қонунчилик жараёнини эса, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш (қонунчилик ташаббуси), қабул қилиш (парламентда қабул қилиниши, давлат раҳбари томонидан имзоланиши ва расмий эълон қилиниши), уларни амалга ошириш (қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ва қўллаш) ва ижросини назорат қилиш (қонун нормаларини такомиллаштириш) босқичларига ажратиш оммавий сиёсат юритиш моделига мос бўлади. Ушбу контекстда қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш, оммавий сиёсат юритиш ва қонунчилик жараёни босқичларини уйғунлаштириш ижтимоий ва ҳуқуқий фанлар интеграциясига хизмат қилади.

<sup>27</sup>Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т., 1995. – Б. 183.

<sup>28</sup> Бердияров Ш. Қонунчилик техникаси тушунчаси ва унинг баъзи масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2006. – №1. – Б. 19.

<sup>29</sup> Денисов Г.И. Юридическая техника: теория и практика // Журнал российского права. – 2005. – № 2. – С. 90.

Амалиётнинг таҳлили, мазкур субъектлар ўз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқларидан етарлича фойдаланмаётганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, қонунчилик ташаббусига ҳуқуқ эмас, балки мажбурият сифатида ёндашиш мантикийдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгиланган бўлиб, унга кўра барча давлат органлари ўз фаолияти соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиши, жумладан зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши лозим. Шунга биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органларига қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилган.

Бугунги кунда қабул қилинган қонунларни амалга ошириш ва уларнинг ижро этилиши ҳолатини назорат қилиш масалалари қонунчилик жараёнининг ажралмас қисмига айланмоқда. Ўзбекистоннинг янги раҳбари белгилаб берганидек, қонунлар ижросини тўғри ташкил этиш бугуннинг асосий масаласига айланди. Татбиқ этиш механизми яратилмаган ва зарур ижтимоий-иқтисодий шароитлар билан таъминланмаган қонун кутилган самарани бермайди, амалда ҳаракатсиз бўлиб қолаверади. Оқибатда ҳуқуқий муносабат субъектлари қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Бу эса, салбий оқибатларга олиб келади.<sup>30</sup> Қонунларни амалга ошириш ва улар ижросини назорат қилиш маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари доирасига кириши уларнинг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда бошқа давлатлар каби қонунларни амалга оширишда ҳуқумат асосий роль ўйнайди. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати – Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир, деб белгиланган.<sup>31</sup> Шу туфайли Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини тайёрлаш ҳамда қабул қилишда ҳудудлар иштирокини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда ижро ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ҳокимият олдидаги ҳисобдорлиги давлат бошқарувининг “иккинчи авлод”, яъни охириги

---

<sup>30</sup> Набиев Т. Қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг амалий аҳамияти // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2009. – № 2. – Б. 28-29.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 818-ХП-сонли Қонуни Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-П-сонли Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – № 9-10. 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2007. – № 4. 163-модда; – 2008. – № 12. 637-модда.

кўрсаткичларидан бири сифатида белгиланмоқда<sup>32</sup>. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёв таъкидлаганидек, “парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда”.<sup>33</sup> Зеро, ҳудудларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини кенгайтириш умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг муҳим унсурларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини узлуксиз ва ўзаро боғлиқ жараён сифатида қабул қилиш оммавий сиёсат юритиш, яъни мазкур жараёнга турли акторлар, жумладан ҳудудларни жалб қилиш имконини беради.

## ХУЛОСА

Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш масалаларининг таҳлили “марказ-ҳудудлар” форматидаги сиёсий муносабатларни ташкил этиш борасида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш имконини берди:

1. Умумдавлат ва ҳудудлар манфаатлари мутаносиблигига эришиш масалаларини ўрганиш индивидуал манфаатларни аввал ҳудудлар кесимида, кейин умумдавлат миқёсида уйғунлаштириш лозимлигини кўрсатади. Мазкур вазифани амалга ошириш марказ ва ҳудудлар ваколатларини чегаралаш, шунингдек, ҳудудлар фаолиятига давлат аралашувини ва ҳудудларнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги иштирокини тартибга солишни тақозо этади.

2. Ўзбекистонда умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш, хорижий давлатлардаги каби “марказ-минтақа” эмас, балки “марказ-ҳудудлар” муносабатларини қамраб олади. Ушбу масалаларни тизимли ўрганиш “Сиёсий минтақашунослик” фани негизида “Сиёсий ҳудудшунослик” фанини жорий қилишни тақозо этади. Макур фаннинг Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўқитилиши маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини самарали амалга ошириш, давлат аралашувини тартибга солиш ва ҳудудий иштирокни кенгайтириш истиқболларини ўрганиш имконини беради.

3. Умумдавлат ва ҳудудий манфаатларни мувофиқлаштириш “ҳудуд” ва “ҳудудий манфаатлар” мазмунини аниқлаштиришни тақозо этади. Чунки ўзбек ва хорижий тиллардаги “ҳудуд” сўзига берилган таърифларда унинг сиёсий жиҳатлари деярли акс эттирилмаган. Шундан келиб чиқиб, ҳудудга берилган таърифларга қўшимча қилиб, “ҳудуд – давлатни ҳудудий-сиёсий ташкил этиш бирлиги” таърифини киритиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>32</sup> Knack S., Kugler M., Manning N. Second-Generation Governance Indicators. International Review of Administrative Sciences. Vol. 69. – P. 345-364.

<sup>33</sup> Мирзиёев Ш.М. Кўрсатилган маъруза.

4. Худудларни фаол жамоага айланган худуд аҳолисининг умумий уюшмаси сифатида эътироф этиш мантиқийдир. Бундай ёндашув маҳаллий ҳокимият оммавий ҳокимиятнинг мустақил унсури эканлигидан ҳам келиб чиқади. Демократик тараққиётдаги бундай ўзгаришлар давлатнинг худудий сиёсий тузилиши таърифини аниқлаштириш, ушбу жараёнга мухторият ва марказлаштириш уйғунлиги назаридан ёндашиш эҳтиёжини кўрсатмоқда. Шу маънода, давлат сиёсий-худудий тузилишининг унитар ва бошқа шакллари ўрнига худудий, номарказлашган, нисбатан номарказлашган, марказлашган давлатлар таснифини жорий этиш мантиқий экани ойдинлашади.

5. Давлатнинг демократик тараққиёти унинг марказлашган шаклидан номарказлашган шакли йўналишидаги ҳаракатида намоён бўлса, ушбу жараён умумдавлат ва худудий манфаатлар мутаносиблигига эришишнинг фундаментал масалалари бўлган оммавий ҳокимият тизимида маҳаллий ҳокимиятнинг мустақиллиги, миллий сиёсий тизимда худудий сиёсий тизимларнинг шаклланишига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Ушбу жараённи Ўзбекистонда объектив акс эттириш миллий қонунчилигимизга “оммавий”, жумладан, “оммавий ҳокимият”, “маҳаллий ҳокимият”, “оммавий сиёсат” тушунчаларини киритишни тақозо этади. Шунингдек, “оммавий” тушунчасининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 213-моддасида “оммавий мулк республика ва маъмурий-худудий тузилмалар мулки (муниципал мулк)дан иборат” ҳамда 215-моддада “муниципал мулк маҳаллий ҳокимият органларининг мулки” тахрирларида берилиши тақозо этилмоқда.

6. Интернетдан фойдаланиш “е-демократия”, “е-ҳукумат”, “е-бошқарув” ва бошқа технологияларнинг сиёсий ҳаётга жорий қилиниши давлат, маҳаллий ҳокимият органлари ва худудий жамоа, унинг аъзолари ўртасидаги сиёсий коммуникациялар ривожланишига хизмат қилмоқда. Бундай бошқарувни Ўзбекистонда такомиллаштириб бориш, Интернет тармоғида ахборот тарқатиш баробарида, қайтма алоқалар ўрнатиш имконини беради.

7. Марказнинг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига аралashiш ваколатини атрофлича белгилаш мавжуд муаммолар ва зиддиятларни конструктив ҳал қилиш, умумдавлат ва худудий манфаатлар уйғунлигига эришиш, давлатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Чунки ҳар қандай давлатда марказ умумдавлат манфаатларини ифода этиши туфайли, маҳаллий ҳокимият органларини ўз вазифаларига масъулият билан қарашга ундаш, худуднинг барқарор ва хавфсиз ривожланишини таъминлаш мақсадида уларнинг ишларига аралashiш ваколатига эга. Давлат аралашувининг зўравонликка айланиб кетмаслиги, худудлар ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллигини бўғиб қўймаслиги учун давлат аралашуви чоралари ва уларни қўллашнинг ҳуқуқий асосланган таомилларини белгилаш шарт.

8. Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларининг чегараланганлиги уларнинг ихтисослашуви, оммавий бошқарувни мақбуллаштиришнинг замонавий ютуқларидан фойдаланиш, яъни электрон бошқарувни жорий қилиш

учун қулай имконият яратади. Ўзбекистонда айрим интерактив давлат хизматларини кўрсатиш юзасидан илк қадамлар қўйилиб, оммавий ҳокимият органларининг ваколатларини чегаралаш бундай хизматларни кенгайтиришда зарур ташкилий-ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Шунингдек, барча бўғиндаги ҳокимликлар ваколатларини амалга ошириш регламентларининг ишлаб чиқилиши кутилган самарага эришишнинг мақбул йўлларида бирдир.

9. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳудудлар иштирокини “ҳудудий иштирок” тушунчаси сифатида илмий муомалага киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳудудий иштирокни кенгайтириш, ўз навбатида, давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишни давом эттириш заруратини кўрсатади. Бугунги кунда давлат ҳокимиятини амалга ошириш сиёсий қарорларни қабул қилиш технологик жараён сифатида эътироф этилиб, мазкур жараён атрофлича тадқиқ этилган. Лекин қонунийликни таъминлаш ва ҳаётий долзарб масалаларнинг қонуний ечимини топиш масалалари қарорлар қабул қилиш технологияларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини кўрсатмоқда. Қонунларнинг оммавий сиёсат юритиш марказига қўйилиши қонунийликни таъминлаш баробарида, қарорлар қабул қилиш амалиётини узлуксиз ва бир-бирига боғлиқ жараёнга айлантириб, ҳудудий иштирокни кенгайтириш имконини беради.

10. Қарорлар қабул қилиш моделларининг таҳлили қонунларни амалга ошириш ва улар ижросини назорат қилишни қонунчилик жараёнининг босқичлари сифатида киритишни тақозо этмоқда. Шу туфайли қонунчилик жараёнини: 1) қонунчилик ташаббускорлиги; 2) қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатаси Спикери, қўмиталари, комиссиялари, фракциялари муҳокамасига қўйиш; 3) Қонунчилик палатасининг қонунларни қабул қилиши; 4) қонунларни юқори палата, яъни Сенатнинг қўмита ва комиссиялари кўриб чиқиши; 5) қонунларнинг Президент томонидан имзоланиши ёки рад этилиши; 6) қонунларнинг расмий нашрларда эълон қилиниши; 7) қонунларни амалга ошириш ва улар ижросини назорат қилиш босқичларига таснифлаш тавсия қилинади.

11. Ўзбекистонда қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳудудлар иштирокини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддасида Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳасига илова қилинадиган ҳужжатлар қаторига “Қонун лойиҳасининг ҳудудий манфаатларга мослиги тўғрисидаги хулосани” киритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай қонуннинг ўрнатилиши депутат ёки бошқа қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига ҳудудларни жалб қилиш мажбуриятини юклайди.

12. Фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бошқа назорат ваколатлари, жумладан, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг қонунийликнинг ҳамда жинойатчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотлари, туман, шаҳар ва вилоят

хокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитишга етарлича аҳамият берилаётгани йўқ. Ҳолбуки қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш улар ижросини таъминлаш ва такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш оммавий ҳокимиятни амалга ошириш, сиёсий тизимнинг мўътадил фаолият кўрсатиши, умуман шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришни назарда тутди. Ушбу жараённинг мураккаблиги, унинг илмий базаси ҳалигача тўлиқ шаклланмаганлигига қарамай, Ўзбекистонда унинг фаол ривожланиши учун зарур амалий қадамлар қўйилаётгани алоҳида аҳамият касб этади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
НАУЧНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЖУРАЕВ РУЗИМАТ ТУХТАСИНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ДОСТИЖЕНИЯ БАЛАНСА  
МЕЖДУ ОБЩЕГОСУДАРСТВЕННЫМИ И ТЕРРИТОРИАЛЬНЫМИ  
ИНТЕРЕСАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ**

**Ташкент - 2017**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2. DSc/Siyos12**

Докторская диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском) размещена на веб-странице Научного совета ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) и информационно-учебном портале “ZiyoNET” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:** **Мунавваров Зохидилло Иномходжаевич**  
доктор политических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Эргашев Ибодулла**  
доктор политических наук, профессор  
**Киргизбаев Абдугаффор Каримжанович**  
доктор исторических наук, профессор  
**Равшанов Фазлиддин Равшанович**  
доктор политических наук

**Ведущая организация:** **Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению научной степени доктора наук DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном Университете Узбекистана в «.....» часов «.....» декабря 2017 года. (Адрес: 100192, г.Ташкент, Студенческий городок, Университетская улица, дом-4. Тел.: (99871) 246-02-24; факс (99871) 246-02-24; e-mail: [info@nuu.uz](mailto:info@nuu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального Университета Узбекистана (зарегистрировано под номером \_\_\_\_\_). Адрес: 100192, г. Ташкент, Студенческий городок, Университетская улица, 4-дом. Тел.: (99871) 246-02-24; факс (99871) 246-02-24; e-mail: [info@nuu.uz](mailto:info@nuu.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.

Протокол реестра за номером \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.

Председатель Научного совета по присуждению степени доктора наук, д.п.н., проф.

**Ш.И.Пахрутдинов**

Секретарь Научного совета по присуждению степени доктора наук, доктор философии (PhD)

**А.Д.Ташанов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению степени доктора наук, д.п.н., проф.

**А.Г.Муминов**



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)**

**Актуальность и необходимость темы докторской диссертации.** Построение правового демократического государства и гражданского общества является главной целью просвещенного мира на нынешнем этапе развития, а достижение данной цели требует постоянного совершенствования системы государственного и общественного управления с учетом содержания и сути современных социально-политических процессов. Это подтверждается и факторами, вызывающими противоречия в отношениях центр-регион, наблюдаемыми в некоторых странах. Научные изыскания центров политических исследований свидетельствуют о том, что во многих случаях, эти противоречия указывают на то, что система управления политического и экономического секторов не отвечает требованиям сегодняшнего дня. Совершенствование механизмов и технологий достижения баланса между общегосударственными и территориальными интересами признается в качестве одного из оптимальных методов в решении упомянутых проблем. В соответствии с принципами правового демократического государства, институционализация политических отношений между центром и территориями, упорядочивание взаимоотношений между институтами гражданского общества и органами власти в соответствии с установленными законодательством нормами, формирование территориальных политических систем, обеспечение их возрастающей роли в общегосударственном политическом пространстве считаются важными направлениями обеспечения баланса между общегосударственными и территориальными интересами. Территориальная классификация политического пространства, методы, используемые в системном изучении политической реальности, в особенности, проведение более углубленного анализа политической системы на основе институционального подхода являются актуальными задачами, стоящими перед политическими науками.

Как свидетельствует мировой опыт, обеспечение баланса между общегосударственными и территориальными интересами является многогранной и сложной задачей, и научные пути ее решения пока до конца не обоснованы. Это, в свою очередь, указывает на наличие проблем, связанных с критериями обеспечения баланса между общегосударственными и территориальными интересами, усилением роли парламента в достижении устойчивости этого баланса, совершенствованием механизма политического участия территорий, повышением роли институтов гражданского общества в качестве механизмов общественного контроля, ожидающих своего решения.

За годы независимости в Узбекистане накоплен достойный внимания опыт по достижению баланса интересов между центром и регионами. В частности, осуществлено разделение государственной власти, налажена работа органов местной власти, института хокимов и органов самоуправления граждан, учрежден эффективный политический институт –

Сенат, призванный выражать территориальные интересы и осуществлен переход на систему двухпалатного парламента. Созданы эффективные правовые механизмы обеспечения подотчетности правительственных структур и различных органов государственной власти перед политическими партиями в парламенте и органами местной власти.

Вместе с тем, по мере модернизации страны становится очевидным наличие ряда проблем в вопросах, связанных с организацией отношений формата “центр-регион” в соответствии с современными требованиями. В то же время в соответствии с первым из пяти приоритетных направлений Стратегии действий развития Республики Узбекистан, рассчитанной на 2017-2021 гг., предусмотрено дальнейшее усиление роли парламента в углублении демократических реформ, направленных на совершенствование государственного и общественного строительства.<sup>34</sup>

Диссертация призвана содействовать, в известной степени, реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года, Указе Президента Республики Узбекистан “Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан” ПФ-5185 от 8 сентября 2017 года, Государственной программе “Года диалога с народом и интересов человека” и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

**Связь темы диссертации с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование соответствует приоритетному направлению развития науки и технологий республики 1. “Духовно-этическое и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”. Оно выполнено в рамках научных проектов “**ЎА2-ОТ-0-14679 ЎА2-15**” на тему: “Направления совершенствования деятельности местных государственных представительных органов власти в Узбекистане”.

**Обзор зарубежных научно-исследовательских работ по теме диссертации<sup>35</sup>.** Изучением общегосударственных и территориальных интересов, а также социально-политических аспектов обеспечения их баланса занимаются ведущие мировые научные центры и учреждения высшего образования. К ним относятся Centre research civil society of University name Johns Hopkins (США), Social Welfare Development. The Government of the Hong Kong special, Administrative Region (Гонконг), Institute of Central Asia, European Union Institute for Security Studies (Франция), Institute of Contemporary Arts (Англия), Asian Strategy and Leadership Institute

---

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

<sup>35</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.chapman.edu](http://www.chapman.edu); [www.unesco-icas.org](http://www.unesco-icas.org); [www.gallup.com](http://www.gallup.com); [www.iss.europa.eu](http://www.iss.europa.eu); <https://apply.jhu.edu>; [www.ica.org.uk](http://www.ica.org.uk); [www.asli.com.my](http://www.asli.com.my); [www.fes.de](http://www.fes.de); <https://icscentre.org>; [en.shisu.edu.cn](http://en.shisu.edu.cn); [www.osaka-u.ac.jp](http://www.osaka-u.ac.jp); [useoul.edu](http://useoul.edu); [www.isras.ru](http://www.isras.ru); [www.isprras.ru](http://www.isprras.ru); [nimfogo.uz](http://nimfogo.uz) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Малайзия), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center (Германия), Institute of Academy for study of modern international relations Europe and Asia (Китай), Osaka University (Япония), National University of Seoul (Республика Корея), Лондонская школа по экономическим и политическим наукам (Великобритания), Институт социологии АН России, Институт политических исследований (Россия), Независимый институт мониторинга формирования гражданского общества (Узбекистан) и др.

По итогам проведенных по политическим аспектам достижения общегосударственных и региональных интересов исследований получен ряд важных результатов, в том числе: о том, что достижение баланса интересов государства и регионов является важным условием обеспечения стабильности общества (Institute for the study of Religion Economies and Society (США), Institute of Academy for study of modern international relations Europe and Asia (Китай); определение достижения баланса интересов между государством и штатами в качестве приоритетного способа решения социальных и политических проблем (University of Chicago, США); изучены научные основы властных отношений между центром и регионами, статус регионального сообщества, выражение его интересов и их согласования с общегосударственными (European Union Institute for Security Studies (Франция), Civil Society Fund Friedrich Ebert, Berlin Civil Society Center (Германия); обосновано то, что политическое участие региональных сообществ является одним из приоритетных условий обеспечения баланса между государственными и региональными интересами (Институт политических исследований, Фонд поддержки институтов гражданского общества, Российская международная исследовательская ассоциация – все Россия, Независимый институт мониторинга формирования гражданского общества (Узбекистан), Академия государственного управления при Президенте Республики Узбекистан).

В современном мире осуществляются исследования, посвященные различным направлениям достижения баланса между интересами государства и регионов. К важнейшим из них можно отнести: приоритетные аспекты организации отношений по схеме “центр-регионы” на основе вертикального разделения государственной власти; взаимосвязь между властными отношениями “центр-регионы” и интересами региональных сообществ и общегосударственными интересами; вопросы, связанные с идентичностью природных, социально-экономических и других условий различных регионов государства; проявление общественных интересов в общегосударственных интересах; проблемы, связанные с обеспечением интересов государственной власти и муниципалитета через эффективное развитие национальной экономики; институционализация регионов – важное условие обеспечения их интересов.

**Степень изученности проблемы.** Вопрос обеспечения баланса между общегосударственными и региональными интересами, являясь общественной реальностью и жизненной необходимостью, всегда привлекал внимание

